ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ГЕОГРАФИЯНИНГ МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАРИ”

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ

ЖИЗЗАХ 2017

ва суғориш бўйича йирик гидромелиоратив тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ ишларида қатнашди. 1950 йиллар иккинчи ярмида унинг раҳбарлиги остида мамлакатнинг турли минтақаларида ерлардан фойдаланишни ўрганиш ва карталаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги типологияси бўйича экспедицион тадқиқотлар ўтказилди. Украина, Ўзбекистон, РФ Нокоратупрок зонаси ҳудудларида, Ғарбий Сибир ва Дон дарёси қуйи оқимида олиб борилган экспедиция тадқиқотлари шулар жумласидан.

Асосий асарлари – "Марказий Тяньшан ва Иссиққўл ботиғи", 1936; "СССР қишлоқ хўжалик зоналари" (1938-1941); "Ерген ва Каспийбўйи пасттекислиги" (иқтисодий-географик очерк) 1952; "СССР қишлоқ хўжалиги географияси", 1958; "Ерларни қишлоқ хўжалик жиҳатдан баҳолашнинг асосий масалалари", 1960; "Волга-Ахтуба водийси ва Волга дельтаси табиати ва қишлоқ хўжалиги", 1962; "Қишлоқ хўжалик ҳудудларини комплекс ўрганиш", 1963; "Ерлардан фойдаланишни ўрганиш ва карталаштириш методлари". 1964; "Қишлоқ хўжалигини районлаштириш", 1965; "Қишлоқ хўжалик географияси (тадқиқот методлари ва муаммолари)", 1970; "Келажак қишлоқ хўжалигини районлаштириш методлари ҳақида". 1979; "Қишлоқ хўжалиги", 1985; "ОЎЮ учун собиқ Иттифоқ қишлоқ хўжалигини районлаштириш картаси", 1989; "Танланган асарлар", 2003.

Султонов Ш.А., Навотова Д.И.
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти
Қарши давлат университети

ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ-ГАЗ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ёқилғи саноати Ўзбекистон оғир саноатининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, у табиий газ, нефт, кўмир қазиб чиқаришни ва уларни қайта ишлашни ҳамда тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб беришни ўз ичига олади. Республикада захираси саноатда ишлатилиши мумкин бўлган даражада ҳисобланган 160 дан ортиқ нефт ва газ конлари очилган. Улардан 115 таси Бухоро-Хива ҳавзасида, 27 таси Фарғона водийси. 10 таси Сурхондарё, 7 таси Устюртда жойлашган. Мазкур конларнинг газ, газ-конденсати, газ-нефт, нефт, газ-нефт конденсатли ва нефт-газ конденсатли турлари мавжуд.

Нефт-газ саноати тармоғи мамлакат ёқилғи-энергетика саноатининг энг ривожланган ва иқтисодиётда салмоқли тармоқ тури ҳисобланади. Уни қазиб олиш ва ишлатиш миқдори катта тезлик билан ўсиб бормоқда. Масалан, 1990 йилда мамлакатда 40,7 млрд. $м^3$, 1995 йилда 48,6 млрд. $м^3$. газ қазиб олинган бўлса, 2012 йилга келиб унинг ҳажми 58,4 млрд. $м^3$.дан ошиб кетди. Эндиликда Ўзбекистон газ захиралари ва қазиб чиқаришда дунёнинг биринчи 10 мамлакати сафига киради. МДҲ мамлакатларида эса Россия ва Қозоғистондан кейин 3 ўринда туради. Газнинг мамлакат ёқилғи балансидаги ҳиссаси 2/3 қисмга тенг. Мамлакатда нефт билан йўлдош тарзда учрайдиган табиий газни қазиб олиш иккинчи жаҳон урушидан олдин бошланган. Нефт газидан саноат мақсадларида фойдаланиш учун биринчи газ қувури (15 км.) 1944 йилда қурилган бўлиб, табиий газдан саноат мақсадларида фойдаланиш 1950-1960 йилларда бошланган. Йиллар давомида мамлакат газ саноатининг географияси кенгайиб борди. Дастлаб Фарғона водийсида, 1960 йилларда Бухоро ва Навоий вилоятларида, 1970 йиллардан бошлаб Қашқадарё вилоятида газнинг катта захиралари топилди.

Мамлакат газ саноатининг ривожланиши Жарқоқ ва Газли конларининг очилиши ва ишга туширилиши билан белгиланади. 1955 йилда Жарқоқ, 1956 йилда Газли конларининг очилиши натижасида мамлакат газ саноатининг моддий базаси яратилди. 1958-1960 йилларда Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент газ қувури қурилди. Ушбу газ магистралининг қурилиши билан республиканинг мазкур минтақадаги саноат марказлари, шаҳарлар ва кўпгина қишлоқларни газлаштириш бошланди. 1962 йилда катта захирага эга бўлган Газли кони ишга туширилди. Натижада, зудлик билан газ қувурлари

қурилди ва Ўзбекистон гази биринчи навбатда катта ҳажмда бошқа минтақаларга жўнатилди. Ўзбекистон гази собиқ Иттифоқнинг Европа қисмига, Урал, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга, шунингдек, Болтиқбўйи республикаларига жўнатиб турилди. Бу эҳтиёжларни қондириш мақсадида Бухоро ва Навоий вилоятларида учта гигант газ қувури қурилди. Жуда қисқа муддатда «Газли-Свердловский» (яъни Бухоро-Урал) газ қувури қурилди ва металлургия саноатининг маркази бўлган Уралнинг йирик шаҳарлари (йирик саноат корхоналари) ўзбек гази билан таъминланди. Ушбу қувур орқали металлургия шаҳри – Уралга ҳар йили 21 миллиард кубометр газ жўнатиб турилди. Иккинчи энг узун ва энг йирик газ қувури «Ўрта Осиё-Марказ» деб юритиларди. Бу газ қувури орқали Ўрта Осиё (яъни Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозоғистон)дан марказга йилига 30 миллиард кубометр газ жўнатилган. Учинчи йирик қувур «Бухоро-Тошкент-Бишкек-Олмаота» бўлиб, бу қувур орқали ўзбек гази Қозоғистон ва Қирғизистоннинг пойтахтларига кириб борган эди.

Мамлакатда газ саноати уни қазиб олиш ҳажмининг ўсиши билан ривожланди, 1960-1970 йилларда Ўзбекистон газ саноатида кескин ўзгариш юз берди. Шу йиллар ичида мамлакатда газ қазиб олиш деярли 72 марта ўсди (яъни 447 млн. кубометрдан 32 млрд. кубометрга етди). Мамлакат газ саноати фақатгина янги газ конларини топиш ва ишга тушириш эвазига ривожланиб борди. 1971 йилда Устюртда Шохпахта газ кони ишга туширилди ва 1970 йилдан бошлаб республикадаги (Андижон, Фарғона, Ангрен ИЕС дан ташқари) барча йирик иссиқлик электр стансиялари газ ёқилғисига ўтказилди.

1972 йилда Қашқадарё вилоятида жойлашган Муборак газни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати ишга туширилиб, газни магистрал газ қувурларига узатишдан олдин аралашмалардан тозалаш имкониятлари яратилди. Мазкур завод кенгайтирилиб, ишлаб чиқариш (газни қайта ишлаш) қуввати ортиб борди ва 1994 йилда унинг тўртинчи навбати ишга туширилди. Энг йирик газ ва нефт конлари Жанубий-ғарбий Ҳисор ва Бухоро-Хива, Устюрт, Сурхондарё ва Фарғона минтақаларида жойлашган бўлиб, йирик конлардан Газли, Муборак, Шўртан, Кўкдумалоқ, Қоровулбозор, Мингбулоқ кабиларни таъкидлаш мумкин.

Ҳозирги вақтда Қашқадарё вилоятининг жануби-ғарбий қисмида Шўртан газ мажмуаси қурилган бўлиб, табиий газни энергетика эхтиёжлари учун минтақаларга узатиш мақсадида Шўртан-Сирдарё-Тошкент газ қувури ишга туширилган.Мамлакатнинг кўпгина газ конлари (98%) олтингугуртли газдир. Шунинг учун хам газ конденсатини қайта ишлаш бўйича ишлаб турган ва лойиҳалаштирилаётган объектларнинг ҳаммасида олтингугуртли бирикмалардан фойдаланиш назарда тутилган.

Шундай қилиб, мамлакатнинг нефт ва газ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз ресурслари хисобига қондириш, янги конларни топиш, ишга тушириш долзарб масалалардан биридир. Республика ҳудудида йирик ҳолда иш олиб борган илмий ва ишлаб чиқариш тармоқлари бирлаштирилиб Ўзбекистон нефт газ саноати миллий корпорацияси («Ўзбекнефтгаз») тузилган. Республикамизнинг бир қатор вилоятларида газ конлари бўлишига қарамасдан ҳозирги вақтда табиий газни қазиб чиқаришда асосий ўринни Қашқадарё (88 фоиз) вилояти эгаллайди.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика саноатининг йирик-йирик конлари ва уларнинг захиралари чет эл мутахассислари билан ҳамкорликда ўрганилмоқда, иқтисодий жиҳатдан баҳоланмоқда, қазиб олинмоқда, қайта ишланмоқда. Мутахассислар баҳолашича, Ўзбекистоннинг ер остида жуда катта нефт ва газ қатламлари бор. Республика ҳудудининг қарийб 60 фоизида уларни истиқболда қазиб олиш мумкин. Шу нуқтаи назардан мамлакат газ саноати тармоқларини интенсив ривожлантириш, чиқиндиларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш, ишлаб чиқаришда чиқиндисиз технологияларни қўллаш ва бу каби ресурслардан оқилона фойдаланиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

1. **А.Ж.Холбеков** СЎЗ БОШИ ... 3

I ШЎЪБА. ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

2. **Абдулкосимов А.А., Ярашев Қ.С., Давронов К.Қ.** Воха ландшафтларини карталаштиришнинг асосий принциплари... 4
3. **Алибеков Л.А.** Ўрта Осиё табиий шароитини ўрганишга янгича ёндашиш зарурияти ... 7
4. **Аббасов С.Б., Сабирова Н.Т.** Айдар-Арнасой кўллар тизимига туташ ҳудудлар фитогеографияси ва уларнинг халк хўжалигидаги аҳамияти ... 12
5. **Мирзамахмудов О.Т.** Ландшафт-экологик шароитнинг ўзгаришида наманган вилояти адир агроландшафтларининг ўрни ... 15
6. **Рахматуллаев А.Р., Равшанов А.Х., Тиркашев Н., Равшанов Ш.** Ўрта ва қуйи Зарафшон воҳаларида ер ости сувлари минераллашувидаги ўзгаришлар.... 17
7. **Федорко В.Н.** Кошрабадо-Койташский природно-хозяйственный район Среднезарафшанского округа ... 20
8. **Rahmonqulov U.R., Umirov N.H., Yangiboeva Z.** Zominsuv havzasi shifobaxsh o'simliklari ... 21
9. **SabitovaN. I., Kayumova M.M., Baxodirova M, Xonimqulov S.** Jizzax viloyatida yerlarni qayta sho`rlanishining hududiy tafovutlari va unga qarshi kurashish chora tadbirlari ... 24
10. **Rahmatov Yu.B., Xayrullaeva N.** Navoiy shahar sanoat korxohalari ta`sirida antropogen landshaftlarining cho`llanishi ... 26
11. **Аллаёров Р.Х., Хидиров М.Ш.** Қашқадарё вилоятининг рекреацион имкониятлари ва улардан фойдаланишнинг географик жиҳатлари ... 27
12. **Тошбоев З.М., Бўтаев А., Гужилов Н.** Ўзбекистон худудидаги тўқай ландшафтлари ва уларни муҳофаза қилиш ... 29
13. **Усманова Р., Бахриддинова М.** Табиий географик жараёнларнинг суғориладиган ерларга таъсири хусусида ... 33
14. **Мирзоева И.Э., Нематов А.Н.** Қоровулбозор тумани тупроқлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ... 35
15. **Исҳақов Ғ.Ф.** Самарқанд шаҳрида тупроқ ҳароратининг 1991-2015 йилда ой ва йиллардаги ўзгаришлари (Дагбит) станцияси мисолида ... 37
16. **Ochilova M.** Ayrim dorivor o'simliklar haqida ... 39
17. **Jabborov M.M.** Jizzax viloyati hududi tabiiy sharoiti va resurslar tasnifi ... 41
18. **Adilova O.O., Turdiyev D.E., Umarov A.I** Qo'ytosh - Nurota tog' oraliq botig'iga morfologik tavsif ... 43
19. **Xasanova Z.B.** Navoiy viloyatining tabiat in'om etgan go'shalari ... 45
20. **Мамаюсупова С.М.** Жўғрофий муҳит ва шароитнинг Шукур Холмирзаев асарларида ифодаланиши ... 47
21. **Imomova D.A., Abdualimova D.A.** Bahoriy ne'matlar – Ismaloq ... 49
22. **Мавлонов Х.М., Мардонов З.А., Қодирова С.Қ.** Жиззах вилоятининг табиий яйловлари ва улардан оқилона фойдаланиш ... 50
23. **Маматова Ш., Олимова С., Сафарова М.Б.** Ўзбекистон ҳудуди чўл ва адир минтақаларининг ўрганилиши ... 52
24. **Imomova D.A., Imomova Sh. Sh.** Salomatligimiz o'z qo'limizda... 56
25. **Ergasheva M.K., Sunnatova Z.H.** To'dako'l - o'rtacho'l hududining o'zlashtirilishi bilan bog'liq muammolar ... 58
26. **Исматов Н.И., Исматова З.А.** Типы рельефа реки сангзар ... 60

27. **Абдумўминов Б.О.** Глонасс тизими ва ундан геодезик тадқиқотларда фойдаланиш масалалари 61
28. **Алибекова М.А.** Помир тоғлари табиий шароитининг ўзига хос карама-қаршиликларини ўрганишда қиёсий методдан фойдаланиш 63
29. **Inomova D.A., Abrorova K.M.** Saksovul(*Haloxylon*)ning noyob xislatlari 66

II ШЎЪБА. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ

30. **Комилова Н.Қ., Зайнутдинова Д, Равшанов А.** Географик патологияларнинг баъзи назарий масалалари 68
31. **Алланов Қ.А.** Сурхондарё вилояти иктисодий тараккиётида кишлок хўжалиги ишлаб чикаришининг тутган ўрни 71
32. **Қурбонов К.Қ., Ҳазраткулов Ҳ.Ҳ., Турдиев Д.Э.** Жиззах вилояти чегара худудларида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ҳақида 73
33. **Тожиева З.Н., Махамадалиев Р.Й.** Жиззах вилояти аҳолиси миллий таркиби ва унинг географик хусусиятлари 75
34. **Mavlonov A.** Mustaqillik yillarida Buxoro aglomeratsiyasining rivojlanishi 77
35. **Мухамедов О.Л., Болтаева М., Бобобеков М.** Жиззах вилояти аҳоли сони ўсишининг динамик ўзгаришлари 79
36. **Усмонов М.Р., Жумабоев Т.Ж.** Ўзбекистондаги табиат ёдгорликларининг туризмдаги аҳамияти 81
37. **Комилова Н., Мухаммедова Н.** Жиззах вилоятида аҳоли ўлими 85
38. **Абдуназаров Ҳ., Исаева Ў., Исмоилова С.** Афғонистон: тинчлик ва тараққиёт муаммолари 88
39. **Kamolov M.N., Normatov. D.M.** Osiyoning mitti davlatlari haqida 91
40. **Таштаева С.К., Ўроқов М.** Самарқанд вилояти шаҳарларининг демографик ривожланиши 93
41. **Абдуназаров Ҳ., Каримов Й., Алмардонова Д.** Чукур таркибий ўзгаришларга эришиш минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омили 95
42. **Ғаппоров А.Н., Самандарова М.Қ., Каримов Ҳ.О.** Жиззах вилояти ҳудудида аҳоли зичлигига таъсир этувчи омилларнинг географик хусусиятлари 97
43. **Эрдонов М.Н.** Қумқўрғон - Сурхондарё вилоятининг географик маркази 100
44. **Абдуллаев О.О. Рўзиева Д.А.** Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари 101
45. **Мадаминов З., Шоғдоров Т.А., Қодирова Ҳ.** Истеъмол географияси ва унинг иқтисодий географик фанлар тизимида тутган ўрни 103
46. **Ембергенов Н.Ж., Каримбаев Қ.Қ.** Қорақалпоғистонда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш муаммолари 104
47. **Абдуназаров Ҳ.М., Хўжамкулов Б.** Шўрчи туманини иқтисодий – ижтимоий ривожлантириш масалалари 106
48. **Сабитова Н.И., Холдорова Г.М., Сулаймонова Ш.С.** Жиззах вилояти ер ресурсларидан фойдаланишнинг географик жиҳатлари 108
49. **Ҳайдарова С., Убайдуллаев А.** Аҳоли миграцион ҳаракатларининг моҳияти ҳақида мулоҳазалар 111
50. **Ғаппоров А.Н., Қурбонова С.** Жиззах вилояти ҳудудида саноат шаҳарчаларини шакллантириш омиллари 113
51. **Қувондиқов О.Х., Зайнутдинова Д.К.** Республика қишлоқ хўжалигида мевачиликнинг ривожланиш тарихи ва ҳудудий жойланиши 115
52. **Мавланов Х., Мардонов З., Болтаев О., Пардабоев Ш.** Озиқ – овқат хавфсизлигининг олдини олишда интенсив боғларнинг роли 117

53. **Zaynutdinova D.K., Haydarova S.A., O'rozaliyeva A., Sariyeva N.** Hududiy nozogeografik vaziyat va uni o'rganish 119
54. **Usmonov Yu.Q., Ismatov M.X.** Tabiiy resurslardan rekreatsiya maqsadida foydalanishning muammolari va yechimlari 121
55. **Qayumova M.M., Amanova S.A., Azizov O., Abdug'aniyeva G.** O'zbekistonda turizm sohasining rivojlanish istiqbollari 123
56. **Juraxujayev D.D., Ramanova G.R., Umurzoqova U.Q.** Muqobil energiya-iqtisodiy barqarorlik omili 125
57. **Нурланов А.С., Садуллаев Б.Ш.** Қорақалпоғистон республикаси иқтисодиётида таркибий ўзгаришларнинг истиқболли йўналишлари 128
58. **Файзуллаев М.А.** Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ихтисослашувинингасосий муаммолари 129
59. **Kayumova M., Jumanova F.,Abduraxmonova N., Sharipov R.** "Loyqa"dagi dehqonchilik va "Qayir" polizlari 131
60. **Баймурадова С.Э., Мирзаева А.З. Бобораҳимова Г.Т.** Таниқли иқтисодий географлар........ 133
61. **Султонов Ш.А., Навотова Д.И.** Ўзбекистон нефт-газ саноати ривожланишининг географик хусусиятлари 138
62. **Жумаева Ҳ.Х.** Ўзбекистон молия-банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари........ 140

III ШЎЪБА ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ, ТОПОГРАФИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТР

63. **Ҳикматов Ф.Ҳ., Юнусов Ғ.Х., Аденбаев Б.Е., Каримов Н.П.** Тоғ дарёлари оқимини метеорологик маълумотлар асосида миқдорий баҳолаш масалалари.... 141
64. **Аббасов С.Б.** Жиззах вилояти сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 144
65. **Низомов А., Нугманова А., Матназаров А.** Абу райҳон берунийнинг гидрологик мероси 146
66. **Ҳалимова Г.С., Мухаммадиева З.М.** Қулжуқтов тизмаси ер ости сувлари ва улардан самарали фойдаланиш 148
67. **Довулов Н.Л.** Дарёлар оқимининг атмосфера ёғинлари билан боғлиқлигини статистик баҳолаш 150
68. **Зияев Р.Р., Эрлапасов Н.Б.** Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқимининг характерли йиллардаги ўзгаришлари 152
69. **Қодиров Ғ.Ў., Бердибеков П.К.** Ўзбекистонда сув ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари 154
70. **Юнусов Р., Салимова Ҳ.Ҳ.** "Гидрогель" – сув тежамкор ва арзон, табиий-маҳаллий ресурсдан оқилона фойдаланиш 158
71. **Рахмонов К.Р., Ҳўжамова И.М.** Оҳангарон ҳавзаси дарёлари сув ва муаллақ оқизиқлари оқимининг ўрганилганлиги ҳақида 160
72. **Soatov B.B. Umirov N.H., Odilov D.B.** Baliqchilikni rivojlantirish va suv, resurslaridan oqilona foydalanish chora tadbirlari 163
73. **Xolmirzayev J.E., Nasrullayeva Ch.I., Isoqova N., Aralova Yu.H.** Jizzax viloyatining ichki suvglari va ularga antropogen omillarning ta'siri 165
74. **Usmonov M.R., Ubaydullayev D.K., Qurbonov I.A.** Jizzax viloyatida suv resurslaridan oqilona foydalanish va muhofaza qilishning oziga xos xususiyatlari 167
75. **Ҳазратқулов Ҳ.Ҳ., Умирзоқова Г.Б., Тожибоева Ю.** Айдар-Арнасой кўллар тизими орнитофаунасини тадқиқ қилишда мониторинг тизимининг долзарблиги 169